

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА

АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Самарқанд ш.

2022 йил "12" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "18"октябрдаги 27-01-14/5073-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали директори Эшназаров Нодирбек Тиркашевич (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Государственный центр тестирования номидан Низом (Низом, рўйхатга олинганлик тўгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор М. Каримов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZрасмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўгрисида абонент шартномасини тузиши расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқлочи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чибиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг	умумий	суммаси	(ККСни	хисобга	олган	холда)	3 600 000
(<u>Чи</u> <u>миллион</u> <u>оёч</u> <u>юз</u> <u>минг</u>)							

сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 300 000,00 (Уч юз минг сум) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера қондлари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўриннишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10** (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни хал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали хал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартиба солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай холатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаф этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20.12 йил 31. XII кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20.12 йил 31. XII га кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд,ул.М.Улугбекса,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz ;	АБОНЕНТ: Государственный центр тестирования Манзил: _____ КАЗНАЧЕЙСТВО МФ ИНН: 201122919 Банк маълумотлари: 202102340 2000 3001 0000 1010 х/р: _____ в РКЦ ГУ ЦБ МФО: 00014 СТИР: ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЦЕНТР ТЕСТИРОВАНИЯ МФО: 100084, г.Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. Богишамол, 12 Банк номи: ИНН: 200626780 ОКОНХ: 87100 ОКЭД: 84111 Тел: +998 71 408110860262667096300045001 E-mail: Тел: 234-07-22, Факс: 234-71-84
Оператор номидан:  Имзо М.Нариманова Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)	Абонент номидан:  М.Каримов (Ф.И.Ш) Имзо М.Нариманова Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)

Ижрочи: М.Нариманова
Тел: (66) 234-7574

Юрист: 

2022 йил “12” зинвар даги
Net-41018570-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги – Миллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори,(сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
	Corporate-3 тариф режаси бўйича 10 Мб/с тезлигига UZ-IXvaTAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 2,5 Мбит/с Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 10 Мбит/с				
2.1	Абонент тўлови	300 000,00	Нархнома	1	300 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				300 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 300 000,00 (Уч юз минг сўм) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 3 600 000 (Уч минг иштирокчи
миқорида) сўмни ташкил этади. Ундан 300 000,00

(Уч юз минг сўм) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови шу жумладан, ҚҚС 15 %.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Самарқанд филиали

АБОНЕНТ:
Государственный центр тестирования

Оператор номидан:



Директор

/ИМЗО/

Эшназаров Н.Т./

Абонент номидан:



М. Каримов

/ИМЗО/